



ISHONCHI

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ
2002 йил 22 октябр, сешанба № 167 (1384)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА
ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ўзбекистон Республикаси
Конституциясининг
10 йиллиги олдидан

ФУҚАРО-ЖАМИЯТ-ДАВЛАТ

ўртасидаги ўзаро муносабатнинг
оқилона ҳуқуқий ечими

Табиийки, ҳар қандай давлатнинг Конституцияси унда яшовчи халқнинг иродасини, руҳиятини ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради. Қончиликда эришилган мустақиллик истиклол шарофати билан қўлга киритилган энг олий неъматлардан бири бўлди. Ўзбекистон раҳбари Ислам Каримов бошчилигида давлатнинг ҳуқуқий пойдевори, унинг Асосий Қонуни — Ўзбекистон Конституцияси мустақил равишда ишлаб чиқилди ва у Олий Кенгашнинг ўн иккинчи қақирқ ўн биринчи сессиясида — 1992 йил 8 декабрда қабул қилинди. Бу Конституцияда, «жамийки дунёвий неъматлар орасида энг улуғи — инсон», деган фикр илгари сурилди ва шу асосда «фуқаро — жамият — давлат» ўртасидаги ўзаро муносабатнинг оқилона ҳуқуқий ечими топилди». Давлатнинг Асосий Қонуни жамият ҳаётининг барча соҳаларида мавжуд бўлган ижтимоий муносабатларнинг маълум даражада асосий, ҳал қилувчи тартиб ва қоидаларини белгилаб берди. Фуқароларнинг жамиятда тугган ўрнини, уларнинг жаҳон халқлари эътироф этган умуминсоний ҳуқуқ ва эркинликларини, давлатнинг фуқаролар олдидаги, фуқароларнинг эса давлат ва жамият олдидаги мажбуриятларини аниқлаб берди.



ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИНING
КОНСТИТУЦИЯСИ

Натижада, ҳалқимизнинг миллий давлатчилик тарихий анъаналари ва қадриятларини ҳисобга олган, илк бор халқ иродасини мустақил равишда ифода этган Қомус сифатида мустақил давлатнинг Конституцияси вуҷудга келди. Янги Конституцияда Ўзбекистон Республикаси фуқароларнинг миллий, ирки ва диний эътиқодидан қатъи назар, тенг ҳуқуқли эканлиги кафолатланган.

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишнинг асосий йўналишлари ташкил этиш тўғрисида»ги 2001 йил 4 январда қабул қилган Фармойиши мамлакатимиз ижтимоий, сийсий ва маънавий ҳаётида юксак аҳамиятга эга бўлди. Айни пайтда Бош Қомусимизни тарғиб этишга қаратилган махсус дастурлар, қўлланмалар ишлаб чиқилди. Конституцияни ўрганиш ва тарғиб этиш иши аҳолининг турли ижтимоий қатламлари савияси, манфаатлари ҳамда талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб ташкил этилаётгани муваффақият омили бўлмоқда. Албатта, Конституциямиз ҳақида, унда биз кураётган янги — эркин фуқаролик жамиятининг асосий тамойиллари аниқ-равшан белгилаб берилгани ҳақида, у демократик мазмун-моҳияти билан бутун дунёда эътироф этилгани тўғрисида узоқ тўхталиш мумкин. Аммо, фақат Конституцияни таърифлаш билан узоққа бориш кийин. Бугунги кундаги энг катта вазифамиз — бу Бош Қомусимиз белгилаб берган асосий принцип ва тамойилларни ҳаётга тўлиқ таъбиқ этишдан иборат. Президент Фармойишида таъкидланганидек, «Ҳаётимизнинг Асосий Қонуни бўлиши Ўзбекистон Конституциясининг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини, маъно-маъмуни ва моҳиятини ўрганиш, ёш авлоднинг ҳуқуқий онги, тафаккур ва маданиятини тарбиялаш ҳамда юксалтириш, шунингдек, Конституцияни билиш, унинг мазмун-моҳиятини тарғиб ва таъбиқ қилиш» жиддий амалий тадбирлар ҳамда изланишларни талаб қилади.

(Давоми 3-бетда)

ҲАМФИКРЛИК ҲАМКОРЛИККА, ҲАМКОРЛИК ЭСА ТАРАҚҚИЁТГА БОШЛАЙДИ

20 октябр куни Полша Республикаси Президенти Александер Квасневский расмий ташриф билан мамлакатимизга келди

Душанба куни «Дўрмон» қароргоҳида Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов билан Александер Квасневскийнинг яккама-якка суҳбати бўлиб ўтди.

Мулоқот чоғида икки томонлама муносабатлар ва минтақавий хавфсизлик билан боғлиқ кўплаб долзарб масалалар, шунингдек, томонларни қизиқтирган халқаро муаммолар муҳокама қилинди.

Президент Ислам Каримов Полша раҳбарининг Ўзбекистонга бу ташрифи ўзаро дипломатия муносабатлари ўрнатилганига ўн йил тўлган пайтга тўғри келганида раъзий маъно борлигини қайд этди. Шу жиҳатдан уни тарихий ташриф деб аташ мумкин.

Ўзбекистон ва Полша расмий делегацияларининг кенгайтирилган тартибдаги музокараларида ўзаро савдо-иқтисодий муносабатлар, ҳарбий-техникавий, маданий, ижтимоий ҳамкорликни ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Президент Ислам Каримов Ўзбекистон аҳли Полшадаги жараёнларни диққат билан кузатиб келаётгани, ушбу мамлакатнинг имконият ва салоҳиятини, айниқса, бозор иқтисодларини амалга ошириш ва Европа Иттифоқи сафидан жой олиш борасидаги ютуқларидан яхши хабардорлигини таъкидлади. Бугунги учрашувлар эса шундай давлат билан ҳамкорлик самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этди. Давлатимиз раҳбари Ўзаро муносабатларни ривожлантиришга доир бир неча таклифни ўртага ташлади.

Савдо борасида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг қўйи органлари, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти каби нуфузли халқаро ташкилотлар доирасида ўзаро ҳамжиҳатлик ва кўп томонлама ҳамкорликни давом эттириш мамлакатларимиз манфаатларига бирдек мос. Хусусан, экология муаммолари ва интеграцияни кенгайтириш борасида Ўзбекистон билан Полшанинг ҳамфиқрлиги муҳим аҳамиятга эга. Зеро, мамлакатларимиз номи зикр этилган ташкилотларда бир минтақа ичига олинган. Хавфсизлик масаласида келганда, НАТО аъзоси бўлган Полша билан кадрлар тайёрлаш, ахборот алмашиш, махсус бўлиналар тузиш каби ишларда самарали ҳарбий-техникавий ҳамкорлик қилиш мумкин.

Савдо-иқтисодий соҳадаги алоқалар тўғрисида сўзлар экан, Президент Ислам Каримов бу борадаги кўрсаткичлардан икки томон ҳам қониқмаслигини таъкидлади. Бу таъбиқ. Утган йили Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми атиги 31,4 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Ҳолбуки, иқтисодий ҳамкорлик учун кенг фаолият майдони мавжуд.

Иқтисодий алоқаларни ривож-



лантириш учун кучли ҳуқуқий асос ҳам яратилган. Президент Ислам Каримовнинг 1995 йили Полшага буюрган расмий ташрифи чоғида ишбилармонлар фаолияти учун ўзаро имкон қадар кўпроқ қулайликлар яратиш тўғрисида келишиб олинган эди. Лекин таъкидланганидек, ҳамкорлик қўламини имкониятлар даражасида эмас.

Ислам Каримов тўқимачилик, курилиш, энергетика, озиқ-овқат саноти маҳсулотлари, меҳел ва рангли металллар каби товарлар айирбошланиши жуда фойдали эканлигини таъкидлади. Полша сармоядорларини Ўзбекистондаги хусусийлаштириш жараёнида фаол иштирок этишга чорлади.

Ўз даврида Полша кишлок ҳўжалигида туб бурилишлар ясашга муваффақ бўлган эди. Ҳозир мамлакат бу соҳада маҳсулот етиштириш борасида дунёда юқори ўринлардан бирига чиқиб олган. Президент Ислам Каримов икки мамлакат фермерларининг ҳамкорлиги, тажриба алмашиши ҳам фойдадан холи бўлмаслигини қайд этди. Бу йўналиш номи зикр этилган савдо-иқтисодий соҳадаги алоқалар тўғрисида сўзлар экан, Президент Ислам Каримов бу борадаги кўрсаткичлардан икки томон ҳам қониқмаслигини таъкидлади. Бу таъбиқ. Утган йили Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми атиги 31,4 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Ҳолбуки, иқтисодий ҳамкорлик учун кенг фаолият майдони мавжуд.

қўлайлигини ҳисобга олиб, Тошкент билан Варшава ўртасида ҳаво қатновини йўлга қўйиш, кейинчалик транзит ҳисобига бу алоқаларни янада кенгайтириш имконияти мавжуд.

Президент Ислам Каримов Ўзбекистон билан Полша халқаро миқёсдаги йирик лойиҳаларда бирига иштирок этиши мумкинлигини таъкидлади. Хусусан, томонларнинг савдо-иқтисодий бирлаштирилса, Афғонистондаги тикланиш ишларида муваффақиятли иштирок этиш имконияти катта.

Булардан ташқари, маданий, илмий, гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни ҳам янада ривожлантириш керак. Олий ўқув юртлири, маданият марказлари каби мазкур соҳаларда фаолият юритувчи турли муассасалар вакилларининг мулоқотлари, борди-келдиларини кўпайтириш зарур. Зеро, мамлакатларо муносабатлар ривожидан «халқ дипломатияси», икки юрт одамларининг бир-бирини қанчалик яхши билиши ҳам муҳим аҳамият касб этди.

Полша томони ушбу таклифларнинг барчасини маъқуллади. Бу масалаларнинг амалий жиҳатларини ишлаб чиқиш икки мамлакатларнинг ҳукуматларига топшириладиган бўлди.

Полша Президенти Александер Квасневский Ўзбекистон билан нефт-газ ва энергетика саноти, кишлок ҳўжалиги, сув ҳўжалиги, экология, қайта ишлаш, курилиш, жумладан, гидромуҳандислик ва коммуникция курилиши соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш

учун кенг имкониятлар мавжудлигини таъкидлади.

Шу билан бирга, Александер Квасневский сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш учун фойдали бўлишини айтди. Бунинг натижасида ҳаво алоқаси кенгайтириш, Афғонистондаги тикланиш ишларида муваффақиятли иштирок этиш имконияти катта.

Таъкидламоқ керакки, Полша Президенти Ўзбекистонга ташрифи мобайнида Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини заёрт қилди. Унинг айтишича, Полшада ўз даврида бу қадимий шаҳарларга бериладиган сайёҳлик йўлланмалари жуда нуфузли бўлган. Ҳозир ҳам бу қадим шаҳарлар томошаси келгучилар кам эмас. Музокаралар сўнггида бўлган матбуот анжуманида, А.Квасневский шу чоққача бу шаҳарларни кўриш орзу қилиб келганини ва Ўзбекистонга ташрифи тўғрисида шундай имконият пайдо бўлганидан беҳад мамнунлигини айтди.

Музокараларда олий мартабали меҳмон мамлакатимизнинг минтақада тугган муҳим ўрнига алоҳида тўхталиди. У Ўзбекистоннинг минтақадаги йирик давлатлардан бири деб билишини айтди. Унинг барқарорлигини сақлашдаги аҳамиятини қадрлашини таъкидлади. Ўзбекистон қўшинлар билан тинч-тотув яшашда ўрнатилган бўлмоқда. У ҳам истиклолга эришди, ҳам фаолият билан уни ҳар томонлама мустақамламоқда. Халқаро иқтисодийта муваффақият билан қўшилмоқда. Аксилтеррор опера-

циясини қўллаб-қувватлаган Ўзбекистон барқарорлиқни экспорт қилувчи мамлакатдир ва биз унинг истиклол йилларида босиб ўтган йўли ҳамда мустақил сиёсатини беҳад эъзозлаймиз, деб алоҳида таъкидлади Полша раҳбари. Шу боис Полша НАТО аъзоси ва Европа Иттифоқининг бўлғуси аъзоси сифатида Ўзбекистон учун Европага очилган дарвоза бўлишига таяёр, деди А. Квасневский.

Бу гаплар беҳиз эмас. Бир неча йил муқаддам Полша НАТОга қўшилиш истагини билдирганида, Ўзбекистон раҳбари ҳеч иккиланмай, ҳар қандай давлат ўзининг хавфсизлик концепциясини ўзи ишлаб чиқишга ҳақли эканлигини айтган эди. Полша 2004 йилдан Европа Иттифоқи сафидан ҳам жой олади. Ўзбекистон бунинг ҳам маъқуллади. Зеро, ҳозирги замон ҳар бир давлатдан ўзга мамлакатлар билан тенглик асосида ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатишни талаб қилади.

Музокаралар чоғида Полша раҳбари бундай муносабат учун Ўзбекистон раҳбари Ислам Каримовга миннатдорлик изҳор этди ва Ўзбекистоннинг нуфузи, халқаро аксилтеррор курашига қўшаётган муносиб ҳиссаси муносабатларимизни ривожлантиришга ундайдиган қўшимча омилар эканлигини таъкидлади.

Мулоқотлар давомида икки томон ҳам бир-бири учун очилгани, бир-бирини ҳурмат қилишини, тараққийга ҳисса қўлиш ниятида эканлигини, дунёда тинчлик ва барқарорлиқни мустақамлашга биргаликда ҳизмат қилишга шайлигини таъкидлади. Полша Президенти бундай жонли мулоқотларни кўпайтириш икки томон манфаатларига мос келишини айтиб, Ислам Каримовни ўз мамлакатига тақлиф этди.

Музокара якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва Полша Республикаси Президенти Александер Квасневскийнинг қўшимча коммуникатив сифатида. Шунингдек, ҳукуматлар ўртасида уюшган жинойатчиликка қарши курашда ва кишлок ҳўжалиги соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар қабул қилинди.

Ҳужжатларни имзолаш маросимидан кейин президентлар оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашди. Мамлакатимиз раҳбари музокара якуни ҳақида сўзлар экан, томонларнинг қўрилган барча масалалар бўйича фикрлари бир жойдан чиққани, эндиги вазифа мана шу ҳамфиқрликни амалиётга кенг жорий қилишдан иборат эканлигини таъкидлади.

Куннинг иккинчи ярмида олий мартабали меҳмон пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирди.

(ЎзА).

САМАРАЛИ ВА САМИМИЙ УЧРАШУВЛАР

«Дўрмон» қароргоҳидаги музокаралар нихосига етган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва Полша Республикаси Президенти Александер Квасневский икки мамлакат ишбилармон доираларининг бизнес-форумида иштирок этиш учун «Интерконтинентал» меҳмонхонасига келди.

Ўзбекистон билан Полша кенг миқёсда ҳамкорлик қилиш учун жуда катта имкониятларга эга, деди давлатимиз раҳбари мазкур анжуманда. Лекин шундай бир пайтда мамлакатларимиз ўртасидаги товар айланмаси 31,4 миллион АҚШ долларини ташкил этиши икки томонни ҳам қониқтирмайди.

Ислам Каримов энергетика, кишлок ва сув ҳўжалиги, йўл ва кўприклар курилиши, транспорт ва

коммуникация, саёҳлик соҳасида яхши тажрибага эга Полша ишбилармонлари эътиборини бизнеснинг дастлабки шарти - Ўзбекистондаги осойишталик ҳамда барқарор ривожланган иқтисодийта қаратди. Пахта ҳомишасидан ташқари, нефт, газ, рангли металллар захирасига жуда бой мамлакатимизда хорижий сармоядорлар учун барча қулайликлар яратилган. Бу сўз билан айтганда, турли соҳаларда ҳам-

корликни чуқурлаштириш учун кафолатланган муҳит мавжуд.

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, Полша ишбилармонлари XII асрдаёқ Темирйўллар давлати билан савдо-сотик алоқаларини йўлга қўйган, деди Александер Квасневский. Демак, ҳамкорликни кенгайтириш учун мустақам пойдевор бор. Ўзбекистон танлаган йўл, ўн бир йилда эришилган ютуқларни юксак кадрлаган ҳолда айтмоқчиманди, иқтисодий алоқаларни кенгайтириш учун икки мамлакат ишбилармонлари, биринчи навбатда, ўзаро кундалик ахборот алмашувини йўлга қўйиши зарур.

Бизнес-форумда Ўзбекистон билан ҳамкор-

лик Полша ишбилармонлари учун минтақадаги бошқа мамлакатлар бозорига кириб боришга кенг имконият яратиши алоҳида таъкидланди. Жумладан, Афғонистонни тиклашда қатнашмоқчи бўлган мамлакатлар учун Амударё портидаги фойдаланиш энг қулай ва арзон восита эканлиги ҳақида сўз борди.

Шу куннинг ўзида Полша Республикаси Президенти Александер Квасневский Ўзбекистон Бош вазири Уткир Султонов ҳамроҳлигида пойтахтимиздаги католиклар черковини бориб кўрди. Маҳаллий поляклар билан суҳбатлашди. Ўзбекистонда полякларга кўрсатилаётган муносабат ва яратилган

шароитдан мамнуният билдирди. Полша Президенти аждодларга ҳурмат рамзи сифатида генерал Владислав Андерс ёдгорлиги пойига гул қўйди. Полшанинг Ўзбекистондаги элчихонаси фаолияти билан танишди. Александер Квасневский, шунингдек, Олий Мажлис раиси Эркин Халилов билан учрашди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Полша қонунчилик соҳасида ҳам ўзаро тажриба алмашиш, демократик институтлар фаолиятини ривожлантириш йўлида самарали ҳамкорлик қилиши мумкинлиги айтиб ўтилди.

(ЎзА).

САМБО БЎЙИЧА ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ ЯКУНЛАНДИ

18-20 октябр кунлари пойтахтимиздаги энг муҳташам спорт иншоотларидан бири - «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуида самбо бўйича XI Осие чемпионати бўлиб ўтди.

Мусобақада олти давлатдан келган спортчилар гиламга чиқди. Беллашувлар ўсирилар, ёшлар ва катталар ўртасида бўлди. Медаллар учун кураш асосан ўзбекистонлик ва россиялик полвонлар ўртасида кечди.

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси матбуот хизматидан маълум қилишларича, ўзбекистонликлардан У.Халилов, Л.Тошалиев, О.Равшанов, Э.Сангиров, О.Толиндбоев, Ҳ.Ҳасанов, россияликлардан А.Тошмуроддин, Р.Сисанков, А.Сангиров, К.Коритин, Д.Жилиняк, В.Тайбинов, И.Енжинов, С.Садов, М.Межиддинов, Д.Желинин, А.Керназулов, Д.Казанцов ва киргизистонлик Б.Бешенбиров ўз вазни тоифасида Осие чемпионлигини қўлга киритди.

(ЎзА).

МАДАНИЯТ - ДЎСТЛИК МАНБАИ

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетига ташриф буюрди. Улар мазкур университетнинг журналистика факультетига жойлашган Полша маданият ва тил марказини очилишида иштирок этди. Шунингдек, бу ерда поляк тилини ўрганаётган талабалар билан учрашув бўлиб ўтди.

Ушбу марказ Полша Республикаси Сенати, Полшанинг мамлакатимиздаги элчихонаси ва Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети ташаббуси билан ташкил этилди. Учрашувда марказнинг очилиши мамлакатларимиз ўртасида ривожланиб бораётган ҳамкорлик самараси эканлиги таъкидланди. Марказ поляк халқининг бой маданияти, тарихи ва анъаналари тўғрисида билим олиш имконияти берадиган барча зарур техника ҳамда

адабиётлар билан таъминланган. Университетнинг славян филологияси факультетида эса икки йилдан буён поляк тилини ўрганиш бўйича махсус гуруҳлар фаолият кўрсатиб келмоқда.

Иоланта Квасневская талабалар билан ўтказилган учрашувда Полшада ҳам Ўзбекистонга қизиқкиш катта эканлигини таъкидлади. Маданиятларимизнинг бир-бирини бойитиши икки халқ ва давлат ўртасидаги алоқаларни мустақамлаш ҳамда кенгайтиришга ҳизмат қилади.

Талабалар юқори мартабали меҳмонга ўз маданий дастурини намойиш этди. Унда мамлакатимиз адабиёт ихлосмандларига яхши таниш, машҳур поляк шоири Адам Мицкевичнинг шеърлари, ўзбек ва поляк халқ қўшиқлари янгради.

Шу кун Иоланта Квасневская пойтахтимиз марказидаги Сайилгоҳда ҳам бўлди ва бу ерда намойиш этилган халқ иқидиёти ҳамда хунармандлиги намуналари билан танишди.

(ЎзА).

Истиқдол берган имкон

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ

тендер асосида ташкил қилинмоқда

Мамлакатимизда «Дехкон ва фермер хўжалик-лари ташкил этиш тўғрисида»ги қонун қабул қилиниши туфайли бир неча йиллар давомида ҳукм суриб келган хўжаликларга, экин майдон-ларига бўлган эътиборсизликка чек қўйилди. Бугун фермерлар тимсолида ер ўзининг ҳақиқий эгасини топди.

— Бу ҳаракат нафақат қишлоқ хўжалиги соҳасида, балки одамлар қалбида ҳам катта ўзгариш ясади, дейди туман ҳокими, Олий Мажлис депутати Бахтиёржон Тўрақулов. — Бундан 10-15 йил аввалги манзара ни кўз олдингизга келтиринг. Одамлар хўроз қичқирмасдан туриб дағдага билан далага чиқариларди. Йигим даврида эса аҳоли далага чиқмай қолмасин, деб тўй-марсакаларга ҳам руҳсат берилмасди. Қисқаси жамоа хўжалиқларида ишлаш мажбурийлик асосида ташкил этилганди. Манфаатдорлик умумий эди. Кўёш чиқанидан то бутунгига қадар астойдил ишлаган ҳам, фирромлик қилиб дала шийпониди тол соғисидан кун бўйи мизгани ҳам бир хил ҳақ оларди. Оқибатда одамларда меҳнатга рағбат, хўжаликлар мол-мулкига нисбатан эътибор туйғу-лари дарз кетганди. Энди эса ушбу манзара бутунлай бошқача кўриниш олган. Ҳозир фермер ва деҳқонлар ерга эгаллик туйғуси шаклланиши боис, олдингига нисбатан ўн чандон кўп далага боғланиб қолишган.

Мамлакатимизнинг барча туманларида бўлгани каби Бувайдада ҳам кейинги йилларда фермерларнинг сони кескин кўпайди. Туманда 2000 йилда 53 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатган бўлса, айти кунда уларнинг сони 218 тани ташкил этади. Улар ихтиёрида 4214,8 гектар экин майдони мавжуд. Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтмоқ

керак: туманда фермер хўжалиқлари тендер асосида ташкил этилишига катта эътибор берилмоқда. Бунинг натижасида ер ўзининг ҳақиқий эгасини топмоқда. Янги ташкил этилган фермер хўжалиқлари тез орада оёққа туриб кетмоқда. Қишлоқ хўжалиги махсулотлари етиштиришда уларнинг улуши кўпаймоқда.

1999 йилда бувайдалик фермерлар 24 тонна пахта, 169 тонна дон, 29 тонна гўшт, 138 тонна мева етиштиришган эди. Ўтган 2001 йилда туманда етиштирилган пахтанинг 1410, доннинг 1132, гўштининг 41, меванинг 262 тоннаси улар улушига тўғри келди.

Бу йилги кўрсаткичлар янада қувонарли бўлиши кутилмоқда. Чунки, деҳқончиликни замон талаблари даражасида ташкил этиб, мўл-кўл ҳосил олаётган фермерлар кўпайиб бормоқда. Ушбу фикрига тadbirkor Аъзамжон Олимов бошчилигидаги «Етти сайёра» фермер хўжалигининг фаолияти яққол мисол бўла олади. Миришкорлар бу йил 12 гектар буғдойзордан 70 центнердан ҳосил олишди. Давлатга 28 тонна ўрнига 34 тонна дон топширилди. «Етти сайёра» пахтакорлари жоҳонар ўзбекистонимизнинг 11 йиллик тўйига ажойиб тухфа тайёрлашди. 28 августдаёқ йиллик шартнома режаси баёнланди. Ҳозирги кунгача фермер хўжалигида режадаги 36 ўрнига 46 тонна пахта териб олинди.

Санобархон Худойбердиева раҳбарлигидаги «Дониёр» фермер хўжалиги аъзолари ҳам бошоқли

дондан юқори ҳосил олишганди. 6,3 гектар ерга чигит қадаган фермер хўжалиги пахтакорлари давлатга 23 тоннага яқин «оқ олтин» топширишди. Хўжаликда ҳар бир гектар ер ҳисобига 35 центнердан ҳосил олинди.

Айтиш жоизки, фермер хўжалиқлари ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Улар ўз вақтида ёқилги, ўғит ва бўнак пуллари билан таъминланмоқда. Шу билан бирга бувайдалик фермерларни қийнаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Уларга кўрсатилаётган техника хизмати етарли, деб бўлмайди. Туман машина-трактор паркида асосан ҳайдов ва ўриш агрегатлари мавжуд, холос. Экинларга ишлов бериш агрегатлари камлиги туфайли фермерлар қимматли вақтларини йўқотишмоқда. Бу ҳол муқобил машина-трактор паркларини ташкил этиш фурсати келганини кўрсатмоқда. Шу ишга қўл урилса фермерларнинг юки янада енгиллашарди.

Ҳар ишда шитоб қилмагансан, бу демак, муродга етмагансан, деган нақл бор. Бувайдалик фермерлар муаммолар олдида қўл қовуштириб ўтиришгани йўқ. Улар буни имкон қадар ўз кучлари билан ечишга ҳаракат қилишмоқда. Эътибор беринг: йил бошида туман фермерларида 5 та ҳайдов, 31 та чопик ва 16 та прицеп ва бошқа мосламалар мавжуд эди. Айти кунларда 9 та ҳайдов, 61 та чопик, 2 та комбайн, 31 та прицеп ва бошқа мосламаларга эга бўлган фермерлар ўзларининг ихтиёридаги экин майдонларида ўз вақтида техника хизмати кўрсатишмоқда.

Мўйдинжон СОБИТОВ, «Ишонч» мухбири.




Сирдарё туманидаги «Шоликор» ширкатлар уюшмасида шולי ўрими уюшқоқлик билан бошлаб юборилди. Жорий йил уюшмада 7468 тонна ҳосил олиш кўзланган. Мавсумда шолидан режадаги 32 центнер ўрнига гектардан 40 центнердан ҳосил олинапти.

Ҳозир ўримида 14 та «Кейс» комбайнидан унумли фойдаланилмоқда. Кунига ҳар

бир бункердан 15-20 тонна ҳосил тўқилмоқда.

Суратларда: комбайнчилар Наврўз Хўжанов, Мурод Шавқиев, Олим Жаборов ҳосил чўғини чамалашмоқда; илгор ишчи Шодиёр Тўраев; ўрими пайти.

И.ТўРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.



Ислоҳот мевалари

ҚИШЛОҚДА ХУСУСИЙ ШИФОХОНА

Ўн-ўн беш йиллар муқаддам Нуробод туманининг Нурбулоқ қишлоғида вилоят физиотерапия шифохонаси қурилишига киришилди, ишга ҳам туририлди. Аммо молиявий таъминот ҳаминқадарлиги туфайли иш юришмади. Шифохонанинг аҳоли ночорлашиб бораверди.

Бир куни Фароғатнинг хузурига ҳаётда кўпни кўрган Тоҳир Абдуллаев кирди.

— Шифохона хароб бўлибди, қизим, - деди у. — Ҳаммаёқ ифлос, дераза ойналар синган. Кўрпа-ёстиқларга қараб бўлмайди. Беморларга ҳеч қандай қулайлик йўқ. Маболағ йўқ, деб қўл қовуштириб ўтирса, бори ҳам йўқ бўлиб кетади. Яхшиши, хусусийлаштиринглар. Эга чиқса, эвини топади.

Унинг бу гаплари Фароғатнинг юрагидаги дардларини кўзгаб юборди. Уйга келгач, бўлган гапни турмуш ўртоғига айтди.

— Э, қўйсанг-чи, тadbirkorликнинг машаққатларини мен-

дан сўра, - деди у. — Бунга катта маблағ керак. Ҳар хил идораларга қатнаб, ҳолдан тойганимиз қолади.

— Ахир, дадаси, ишингиз юришиб турибди. Элда ҳурматингиз бор, - деди Фароғат ётиги билан, — Қолаверса, дардманд одамлар учун шариоати яратиб бериш савоб бўлади.

Хуллас, Фароғатнинг ташаббуси билан физиотерапия бўлими хусусийлаштирилиб, асли касби қурувчи меймор бўлган Нурилла Бекназаров бинони қайта тиклаш лойиҳасини тайёрлаб берди. Банкдан 5 миллион сўм кредит олиниб, таъмирлаш ишлари бошлаб берилди. Лекин барибир маблағ етарли эмасди. Фароғатга турмуш ўртоғи Н.Бекназаров ёрдам берди. Ижара ерда қилинаётган деҳқончиликдан олинган даромадининг катта қисми шифохонани таъмирлашга сарфланди. Ниҳоят, хусусийлаштирилган физиотерапия бўлими барча талаблар-

га мос келадиган даражадаги муолажа масканига айлантирилди.

Шу ўринда бир нарсани алоҳида айтиш керак. Нурбулоқ қишлоғида қарийб 700 метр чуқурликдан табиий мадданли сув чиқади. Бундай сув манбалари дунёда бармоқ билан санарли.

Фароғат Ҳасанованинг хусусий шифохонаси иш бошлаган дастлабки ойларида 20-30 бемор қабул қилинган бўлса, кейинчалик ўринлар сони 60 тага етказилди. Имконият кенгайиб бораверди. Шу йилнинг биринчи чорагида 200 нафарга яқин киши даволанди. Асосий даволаш усули сифатида сув ванналари, физиотерапия воситалари қўлланилади. Фароғатнинг тadbirkorлиги туфайли янги иш ўринлари вужудга келиб, Нурбулоқ қишлоғининг 30 нафар йигит-қизлари доимий ишга эга бўлишди.

Р.КУРБОНОВ, «Ишонч» мухбири.

КОРХОНА МАХСУЛОТИ ХОРИЖГА

Қизилтепа туманидаги «Пахтаозалаш» ҳиссадорлик жамияти қайта ишланган пахта хомашисининг дастлабки туркумини хорижлик харидорларига жўнатди. 500 тонна сифатли пахта толасини Швейцариянинг «Паул рейхард» фирмаси қабул қилиб олди. Бельгиялик харидорларга ҳам 400 тонна тола жўнатилди.

Корхона мавсумда 30 минг тоннадан зиёд сифатли ва тоза пахта қабул қилиб, шундан камида 10 минг тонна тола ишлаб чиқаради. Ҳозиргача 20 минг тоннадан ортиқ хомашё қабул қилиниши ва унинг тенг ярми қайта ишланди. Айти пайтда корхона махсулоти Италияга жўнатилмоқда.

ЯПОНИЯ ГРАНТЛАРИ - АНДИЖОН МАКТАБЛАРИГА

Япония ҳукуматининг «Кичик лойиҳаларни молиялаш» дастурига мувофиқ Андижон вилоятининг қатор ўрта умумтаълим мактабларига грантлар ажратилди. Турли жиҳозлар ва ускуналардан иборат мурувват ёрдамнинг умумий қиймати 536 минг АҚШ долларини ташкил этади.

Улар орасида замонавий компьютерлар, спорт жиҳозлари, тикув дастгоҳлари, синфхона ва ошхоналар учун мебель, аудио ва видео ускуналар, дурадгорлик асбоблари, нусха кўчириш техникаси бор. Мазкур грантларни бериш 2000 йилдан бошлаб бошқичма-бошқич амалга оширилмоқда. Бу сафар янги жиҳозлар тўртта мактаб ва битта гимназияга ажратилди. Умуман, дўст мамлакатнинг беғариз ёрдамидан вилоятнинг 12 та мактаби баҳраманд бўлади.

(ЎзА).

Контракция шартномалари қандай бажарилмоқда? УЗУМИ ШИРИН, ТЎЛОВИ-ЧИ?

Очигини айтганда, «Бахмалшароб» очик турдаги акциядорлик жамиятида ишни тўғри ташкил қилмаслик, шартнома мажбуриятларига етарли эътибор бермаслик оқибатида корхона қарздорлик ботқоғига ботиб қолди. Бунинг оқибатида хўжалик юритувчи субъектлар билан ўзаро тузилган шартнома шартлари бузилапти. Бу ўз наватига дамият билан иқтисодий муносабат ўрнатган корхоналарнинг ҳақиқий эътирозларига сабаб бўлаётган. Айтиқса, узум етиштирувчилар «чув» тушмоқда.

Ўтган йили мазкур корхона билан жами 187 та шартнома тузилган бўлиб, шундан 51 таси 90 миллион сўмлик узум учун эди. Амалда 37 та ширкат ва фермер хўжалиқлари томонидан топширилган қарийб 802 минг килограмм узум махсулотининг пули ҳеч бир асосиз ўз вақтида тўланмасдан келган.

Биргина «Кишишиш» фермер хўжалиги 112 920 килограмм узум махсулоти топширган бўлиб, унга 5 миллион 215 минг 240 сўм ҳақ тўланиши лозим бўлгани ҳолда, «Бахмалшароб» корхонаси турли вақт-ораси билан шартнома мажбуриятларини бажармади. Шунингдек, Ғулом Уролов раҳбарлигидаги «Сайдахмад ота» фермер хўжалиги жамоаси ҳам «Бахмалшароб» ОТАЖ билан 2001 йил август ойида 18 минг килограмм махсулот етказиб бериш юзасидан шартнома тузади ва махсулотни ўз вақтида, сифатли қилиб етказиб беради. Аммо пулни тўлашга келганда... корхона раҳбарлари лафзида турмади.

Жиззах вилоят Адлия бошқармаси томонидан ушбу қарзни теъза узиш учун қарз суммасини фермер хўжалиги ҳисоб рақамига ўтказиб бериш юзасидан корхона раҳбариятига киритилган қонуний талабнома ҳам ижросиз қолди.

Шундан сўнг Адлия бошқармаси «Саидахмад ота» фермер хўжалиги манфаатини кўзлаб хўжалик судига даъво аризаси киритди. Вилоят хўжалик судининг ҳал қилув қарорига кўра даъво тўла қаноатлантирилди, жавобгар «Бахмалшароб» ОТАЖнинг мол-мулкчи ҳисобидан ҳақдор фермер хўжалиги фойдасига 566 минг сўм асосий қарз, 283 минг сўм пеня, 84 минг 900 сўм жарима, жами 933 минг 900 сўм қарз ундирилди.

Абдулла МАМАТМУСАЕВ, Жиззах вилоят хўжалик судининг судьяси.

Маълумки, Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори меҳнаткашларнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоялашга қаратилган эди.

Касаба уюшмалари Қашқадарё вилоят кенгаши иш берувчилар олди-га расмий талабномалар қўйиш, зарур бўлганда маҳаллий ҳокимият, прокуратура, хўжалик ва фуқаролик судларига мурожаат қилиш, корхона ва ташкилот раҳбарларининг масъулиятини ошириш вазифаларини ўз ичига олган аниқ тadbirkor ишлаб чиқди.

Сай-ҳаракатлар ўз самарасини берди. Корхона ташкилот ва муассасаларда 1288 миллион сўмдан ортиқ иш ҳақидан муддати ўтган қарзлар ундирилди. Банкларда нақд пул етишмаслиги оқибатида ойлик маошлар келмаётганлиги ва бундаги ҳолатларни тугатиш бўйича вилоят ҳокимининг муовини, марказий банк бошқарувчисига

ёзма мурожаатномалар киритди. 328 та корхона иш берувчиларига расмий талабномалар қўйилиб, 492,6 минг сўмлик

ТАЛАБЧАНЛИК ҳеч кимга зарар келтирмайди

муддати ўтган қарзлар ундирилди.

Маҳаллий ижроия ҳокимиятга киритилган мурожаатлар асосида иш ҳақидан муддати ўтган қарздорликка йўл қўйган 17 та корхонадан 337,1 минг сўм, суд ва прокуратура кўмаги билан 310,0 минг сўмлик қарзлар ундирилди. Маошларнинг вақтида тўланишига оид масалалар касабаси уюшмалари умумий ва раёсат йиғилишларида кўриб чиқилиб, аниқ

чора-тадбирлар белги-ланди.

Ҳукумат қарори ижросини таъминлашда Шукрулло Мирзаев раислик қилаётган автотранспорт ва йўл хўжалиги ходимлари касабаси уюшма кўмиталари тармоқ кенгаши ибратли ишларни амал-

га оширапти. Талабчанлик ва ишчанлик вазиятида фаолият кўрсатаётганлиги туфайли кўмита тасарруфидаги корхоналарда маошлардан қарздорлик 31 миллион 286 минг сўмга камайтирилди. Айти пайтда Касби туманидаги 88-очик ҳиссадорлик жамияти, «Қашқадарётаъминот» жамоаларида иш ҳақи ўз вақтида берилмапти. Косондуғи 21- ва 92- Усмон Юсупов туманидаги 134-автотранспорт очик ҳис-

Қарор ва ижро

садорлик жамиятлари, «Қашқадарёавтотўл» бир-лашмаси касабаси уюшмалари иш берувчилар билан ҳамкорликда маошлардан қарздорликни кескин камайтиришга эришди.

Иш ҳақида бевосита боғлиқ кўрсаткичлардан

бири, бу истеъмолчиларнинг дебитор қарзлари ошиб бораётганлигида-дир. Автотранспортчилардан «Ўзбекнефтгаз» корхоналари 701 миллион 270 минг, агросаноат мажмуи 520 миллион 245 минг, «Қашқадарёпахта-саноат» 227 миллион 852 минг, Энергетика вазирлиги ташкилотлари 72 миллион 159 минг, «Кўриққурилиш» трести 35 миллион 790 минг сўм қарздордир. Ишни бажартириб, ҳисоб-китобга

Солиқ тизимида касабаси уюшма фаолияти

ХОДИМ МАНФААТИ ЙЎЛИДА

Иқтисодиётимизни солиқ тизимисиз тасаввур қилиш қийин. Соҳа ходимларининг сай-ҳаракатлари билан давлатимиз хазинаси тулиб турли тўловлар эъзига бюджет идоралари, пенсионерлар, болалик оналар, ногиронлар ўзларига тегишли маблағларни вақтида олишга муваффақ бўлмоқдалар. Ҳўш, солиқчилар ҳаёти қандай кечаяпти, улар касабаси уюшмалари томонидан ижтимоий ҳимояга олинганми?

— Биз шаҳар, туман давлат солиқ бошқармаси бўлиmlларидаги бошланғич касабаси уюшма ташкилотлари билан мустаҳкам алоқада ишлаяптим, - дейди Наманган вилоят Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабаси уюшма кўмитаси раиси Мираббос Жалилов. — Байрам ва тadbirkorлар ўзаро шартнома асосида ўтказилади. Масалан, аъёнага айланаб қолган иқтисодиёт йўналишидаги касб-хунар коллежлари талабала-

рининг «Солиқ билимдонлари» кўрик танлови ёшлар ўртасида соҳага бўлган қизиқишни тобора кучайтирмоқда. Улар орасидан энг иқтидорлилари танланиб, солиқ коллежларига юборилапти. Улар заҳирадаги кадрлар сифатида рўйхатга олинмоқда.

Бошқарма тизимида 1000 нафардан зиёд ходим хизмат қилади. Уларнинг бакувват, жисмонан соғлом бўлишлари раҳбариятнинг диққат-эътиборида туради. Шу боис ҳафтада икки кун спорт билан шуғулланишга ажратилган.

Тоҳиржон Исабоев. — Машғулотларга ҳаммамиз қатнашамиз. Шу боисдан спорт соҳасида жамоаларимиз эриш-шаётган натижалар барчани қувонтирмоқда. Масалан, Самарқандда ўтказилган республика солиқчиларнинг биринчи спартакиадасида иккинчи ўринни эгалладик. Вилоятда ҳам фахрли ўринларга сазовор бўла-ямиз. Касаба уюшма билан маъмурият ўртасида жамоа шартномалари имзоланган. Унга асосан иш ҳақининг 25 фоизи юқори натижаларга эришган ходимларни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга ажратилган. Бунда ходимнинг интизоми, хулқи, ишчанлиги, ташаббускорлиги ҳисобга олинади.

Дам олиш ва байрам кунларида меҳнат қилганларга икки баробар миқ-

дорида ҳақ тўлаш ёки таътилга чиққанда қўшиб бериш йўлга қўйилган. Ходимларнинг тушлик овқатланиш харажати қисман қоплаш ҳам жамоа шартномаларида ўз аксини топган.

Бошқармадаги 12 нафар пенсионер ва байналмилалчи, Чернобилчилар доимий эътиборда. Ўтган даврда 70 нафардан ортиқ солиқчиларнинг фарзандлари Косонсойдаги «Соҳил» болалар оромгоҳида бепул дам олишди. 20 нафар ходим эса сийҳат-гоҳларда саломатлигини тиклади. Бир гуруҳ солиқчилар бепул Самарқанд, Бухоро бўйлаб саёҳатда бўлиб қайтдилар. Беш нафар кам таъминланган оила фарзандларига мактаб формалари, китоблар олиб берилди. Соҳиба АЪЗАМОВА, «Ишонч» мухбири.



Машғулот ва машқ

ҚУТҚАРУВ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Ҳаётимизнинг барча жабҳаларида эътиборга молик ишлар кўпайиб бормоқда. Турли мамлакатлар ҳамда халқаро ташкилотлар билан сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий ва бошқа соҳаларда шартномалар тузилиб, ўзаро ҳамкорлик ришталари босилмоқда.

Наманган вилояти Фавкулда вазиятлар бошқармаси томонидан олиб борилаётган ишларнинг кўлами ҳам тобора кенгайиб бормоқда. Аҳоли ва ҳудудларни турли табиий офатлар, техноген вазиятлардан муҳофаза қилиш ва рўй бериши мумкин бўлган фавкулда ҳолатларнинг олдини олиш борасида Наманган шаҳар халқ

таълими бўлими билан ҳамкорликда кўрилатган чора-тадбирлар бунга яққол мисол бўла олади.

Кунги кеча шаҳардаги Рафиқ Мўмин номли 13-ўрта мактабда «Фуқаролар муҳофазаси кўни» га бағишланган ҳаракатдаги семинар бўлиб ўтди. Бу тадбирда барча мактаб директорлари фаол иштирок этдилар.

— Бундай назарий-амалий йиғин вилоятимизда тез-тез ўтказиб турилибди. Чуст, Чортоқ туманларидаги билим масканларида, Наманган шаҳридаги 12-, 34-мактабларда, қатор маҳаллаларда, корхона ва ташкилотларда ана шундай йиғинлар бўлди. Мақсадимиз ўқувчилар олган назарий билим-

ларни амалиётга тадбиқ қилиб, уларни фавкулда вазиятларда ўзларини қандай тутиш кўникмаларини такомиллаштириб боришдир. «Инсон ҳавфсизлиги асослари» фанини чуқур ўзлаштириш шунга хизмат қилади,— дейди вилоят фавкулда вазиятлар бошқармаси раҳбар ходимлар таркибини тайёрлаш маркази бошлиғи, капитан Адхамжон Тўйчиев.

Шу онда радио узелдан хабар қилинган «Фавкулда зилзила» деб номланган амалий машғулот мактаб ховлисида турган ҳар бир кишини ҳушёрликка қорлади. Ўқувчилар мактабнинг хавфсиз ҳудудига кўчирилди.

Зилзила содир бўлганда «қулаб тушган» девор остидаги «ярадор» кутқариб олинди, биринчи ёрдам кўрсатилди. Электр қуввати билан боғлиқ анжомлар манбадан узиб қўйилди. Мактаб ўқувчиларининг руҳий хотиржамлиги оширилди.

—Ҳа, албатта, буларнинг барчаси амалиёт тарзида ўтказилди,— дейди мактаб директори Насиббахон Аҳмедова, — билим масканида 1272 нафар ўқувчига 58 нафар малакали педагог —ҳодимлар таълим-тарбия берилади. Зеро ҳар бир ўқувчида кўникма ва билим мужассамлиги бўлиши керак.

А. СОҲИБОВА.

ФУҚАРО-ЖАМИЯТ-ДАВЛАТ

ўртасидаги ўзаро муносабатнинг оқилона ҳуқуқий ечими

(Боши 1-бетда)

Жаҳон таърихида назар солсак, Конституция ва қонуларга юксак ҳурмат даражасини, бунинг аҳамиятини кўпгина демократик давлатлар мисолида кўришимиз мумкин. Масалан, АКШ, Буюк Британия, Франция, Германия, Италия, Япония сингари илгор мамлакатларда Конституцияга бундай муносабат одамларнинг кундалик ҳаётидан мустаҳкам ўрин олган. Жамиятимизда Конституция ва қонуларга мана шундай муносабат — ҳурмат ва итоат билан қарашни тарбиялашда кўп нарса, аввало, давлат идоралари — суд ва прокуратура бўладиларми ёки милиция ва адлия органлари бўладими — мана шу идораларда ишлайдиган хизматчиларга кўп жиҳатдан боғлиқ эканини алоҳида таъкидлаш лозим. Шубҳасизки, айнан мана шу идоралар ва уларнинг ходимлари қонунга қандай муносабатда бўлаётганига қараб, барча фуқаролар қонунни ҳурмат қилиш, унга итоат этиш масаласини ўзи учун белгиласин.

Дарҳақиқат, Конституциямиз Ўзбекистон тарихида янги саҳифа очиб берди. Унда жамиятнинг ҳамма бўғинлари, шу жумладан унинг асосий бўғини бўлган оила ҳақида, унинг жамият ривожига аҳамияти ва ўрни ҳақида ҳам янги қарашлар илгари сурилган. Конституциянинг қатор моддаларида белгиланган жамият ва давлатнинг иқтисодий негизи, демократиянинг ривожланиши, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўғрисида қандайдир оилавий муносабатларга ҳам бевосита тааллуқлидир. Маълумки, никоҳ ва оила муносабатлари ижтимоий муносабатларнинг алоҳида бир шакли бўлиб, ўзи таркиб топган жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий тузилишидаги қоидаларга мос равишда шаклланади ва ривожланади. Оила жамиятдан ташқари, ундан ажралган ҳолда, унинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётдан узилган ҳолда яшай олмайдди. Шунинг учун оиланинг нормал ўсиши, тараққий этиши иқтисодий томондан мустаҳкамланиши унинг ҳар бир аъзосининг тадбиркорлигига ва маънавиятига боғлиқдир.

Давлат ва жамият, унинг маданияти ва иқтисодиёти, ахлоқ ва ҳуқуқ қоидалари ўзида мавжуд бўлган воситалар билан оилани қўриқлайди, оила тўғрисида ҳамхўрлик қилади. Бу ҳол алоҳида эътиборга лойиқ, бунда аждодларимиз ўғити — оиланинг муқаддаслиги ва никоҳнинг бузилмас — абадийлиги, ота-оналар билан болалар ва қариндошлар ўртасидаги муносабат марказий ўринни эгаллайди. Аввало шунини таъкидлаб ўтиш керакки, хусусий мулк ва оила мулкнинг дахлсизлиги, уларнинг давлат томонидан ҳимоя қилиниши ҳар бир оила учун, унинг униб-ўсиши, равнақи ва камол топиши учун етарли моддий база яратиш беради.

«Давлат, — дейилади Конституциянинг 53-моддасида, — истеъмолчиларнинг ҳуқуқий ҳисобини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларидаги тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди».

Мустақиллик даврида амалга оширилган ишлар, оилавий муносабатларга янги аҳамият берилди, ёшларни тарбиялашдаги сайёҳ-харакатлар ўзи натижаларини бера бошлади. Эндиликдаги дол-

зарб вазифалардан бири — оила ва никоҳ қонуларини, айниқса ёшлар ўртасида тарғиб қилиш билан оила муносабатларини янада мустаҳкамлашдан иборатдир. Ҳуқуқ нормаларининг, айниқса, Конституцияда белгиланган қоидаларнинг ижтимоий жараёнга ижобий ва самарали таъсир кўрсатиши жамиятнинг бошланғич бўғини бўлган оиладаги муносабатларнинг мустаҳкамланишига, фуқаролар ҳуқуқий онгининг кўтарилишига, қонунларнинг обу-эътибори ўсишига олиб келади. Шу билан оиланинг ҳам жамиятдаги мавқеи мустаҳкамланади.

Конституциянинг 46-моддасида назарда тутилган хотин-қизлар ва эркеклар тенг ҳуқуқлилиги, бу тенгликнинг моддий ҳамда маънавий кафолатини белгилаб берган Асосий Қонуннинг бошқа бир қатор моддалари оилавий муносабатларнинг негизини ташкил қилади. Оилавий тотувлик, ҳамжихатлик, ёш соғлом авлодни тарбиялаш, уни жисмоний ва маънавий жиҳатдан камол топтириш, ёш оилани жамият равнақи учун хизмат қилишига тайёрлашда асосий рол ўйнайди.

Ёш соғлом авлодни миллий анъаналаримиз, бебаҳо мерос, қадриятларимиз ва маданиятимизга муносиб маънавий-ахлоқий баркамол, йимони бутун инсон қилиб тарбиялашга хизмат қилган соғлом оилани мустаҳкамлашнинг таъминлиги оиладаги асосий ҳуқуқий ҳужжат сифатида Конституцияга махсус «Оила» боби киритилган (XIV боб, 63-66-моддалар). Конституциянинг асосий қоидаларига амал қилиб қабул этилган Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси (1998 йил 30 апрел) оилани мустаҳкамлашга, соғлом авлодни баркамол вояга етказишга, эр-хотин, ота-она ва болалар ҳамда қариндошлик муносабатларини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Оила кодексида миллий қадриятларимиз, қадимий анъаналаримизнинг энг яхши намуналари ўз аксини топган. Соғлом авлод тарбияси учун, оилада соғлом муҳит яратилиши, бу муҳит — меҳнат, шахс, ахлоқ муштараклигини, уларнинг ўзаро муносабатлари тўғри ташкил қилиниши билан вужудга келишини ҳисобга олган.

Шундай қилиб, мустақил давлатимизнинг Асосий Қонуни — Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ўз мазмуни ва моҳияти билан истиқлол нашидасини сураётган халқимизнинг иходий ташаббуси ва фаолиятини ўстириш ҳамда рағбатлантириш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Жамият ўзи олган қўйган тарихий вазифаларни онгли равишда бажариш учун халқнинг қудрати ва ақл заковатини сафарбар қилади. «Хур Ўзбекистонимизнинг тарихида биринчи Конституцияни қабул қилиш — жумҳуриятимизнинг янгидан туғилишидир, ҳақиқий мустақиллигимизга мустаҳкам пойдевор қуришдир, — деган эди Ислам Каримов, ўзининг «Ўзбекистон келажиги буюк давлат» номли асарига. — Қабул қилинган Конституциямиз асосий қонунимиз сифатида давлатни давлат қиладиган, миллатни миллат қиладиган қонуларга асос бўлиши мукаррар».

Ўзбекистоннинг ўзлиги — Конституциясида, Фуқаронинг ўзлиги — унинг Конституцияни нечоғли билиши ва унга риоя қилишидадир.

Қобилбек КАРИМБЕКОВ,
сиёсий шарҳловчи.

Тошкент шаҳрининг «Илгор» маҳалласида фавкулда вазиятларда аҳолини ҳимоялаш мавзусида навбатдаги учрашув бўлиб ўтди. Унда аҳолининг банд бўлмаган қисми - қариялар, болалар ва оила бошлиқлари иштирок этишди.

КЎНИКМА ҲОСИЛ ҚИЛИШДИ

Тошкент шаҳар фавкулда вазиятлар бошқармасининг 0-50 кутқарув хизмати пойтахт аҳолисини фавкулда вазиятлардан ҳимоялаш борасида одамлар ўртасида тарғибот ишларини олиб бормоқда. Бу вазифалар Ўзбекистон Олий Мажлисининг 1999 йил 20 августда қабул қилинган «Аҳоли ва ҳудудларни табиий ва техноген хусусиятли фавкулда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуни доирасидаги ишларнинг амалий кўринишидир.

Фавкулда вазиятлар аксарият ҳолларда кутилмаганда содир бўлади. Уларнинг олдини олиш мушкул. Бироқ бундай ҳолларда тутилган оқилона йўл туфайли келиб чиқадиган талофатларни камайтириш улардан ҳимояланиш мумкин. Бу нафақат кутқарув хизмати ходимларининг балки аҳолининг ҳам зиммасига бир мунча масъулият юклайди. Чунки фавкулда ҳодисаларда қутқарувчилар етиб келгунга қадар ҳам дастлабки ҳимоя чоралари қўлланиши керак.

Маҳаллада ўтказилган учрашувда фавкулда вазиятларнинг ўзи нима, унинг қандай пайдо бўлиши ҳамда уни бартафат этиш усуллари ҳақида маълумотлар берилди. Шунингдек, бу жараёнда зарур бўладиган анжомлардан фойдаланиш борасида йўл-йўриқлар кўрсатилди.

«Туркистон-пресс».

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

2002 йил 22.25.28 ноябрь кунлари Навоий шаҳрида соат 15.00 да Давлат мулк қўмитасининг Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси мажлислар залида бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига қуйидаги мулклар қўйилади:

1. Конимех тумани, Ажиниёзов кўчасидан уй-жой қуриш учун 18 дона, ҳар бири 400 кв.м дан ер майдонлари.
Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 12 000 сўмдан.
2. Конимех тумани, У.Юсупов кўчасидан савдо дўкони қуриш учун 20 кв.м. ер майдони.
Бошланғич баҳоси — 1 160 сўм.
3. Хатирчи тумани марказий шифохонаси ҳудудидан дорихона биноси қуриш учун 72 кв.м ер майдони.
Бошланғич баҳоси — 1 820 сўм.
4. Хатирчи тумани, М.Улугбек жамоа ҳўжалигига қарашли дон омбори биноси.
Бошланғич баҳоси — 1986700 сўм.
5. Хатирчи тумани марказий шифохонасига қарашли автотранспорт воситалари:
— 1988 йил и.ч. УАЗ-396201 русумли, давлат белгиси 76-10 НВН автомашинаси.
Бошланғич баҳоси — 200 400 сўм.
— 1987 йил и.ч. УАЗ—396201 русумли, давлат белгиси 13-15 НВН автомашинаси.
Бошланғич баҳоси — 208 800 сўм.
— 1988 йил и.ч. УАЗ-396201 русумли, давлат белгиси 22-79 НВН автомашинаси.

6. Навбахор тумани марказий шифохонасига қарашли автотранспорт воситалари:
— 1990 йил и.ч. М-2141 русумли, давлат белгиси 33-99 НВА автомашинаси.
Бошланғич баҳоси — 128400 сўм.
— 1988 йил и.ч. ВА3-2121 русумли, давлат белгиси 34-08 НВА автомашинаси.
Бошланғич баҳоси — 358500 сўм.
— 7. Навоий кон металлургия комбинати 3-автотранспорт қарашли автотранспорт воситалари.
— 1990 йил и.ч. ПАЗ-3205 русумли, давлат белгиси 48-74 НВН автомашинаси.
Бошланғич баҳоси — 500730 сўм.
— 1971 йил и.ч. ЗИЛ-431610 русумли, давлат белгиси 55-53 НВН автомашинаси.
Бошланғич баҳоси — 419400 сўм.
— 1977 йил и.ч. ГАЗ-53 АСМ русумли, давлат белгиси 58-21 НВМ автомашинаси.
Бошланғич баҳоси — 151240 сўм.
8. Конимех тумани Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимига қарашли 1992 йил и.ч. УАЗ-3152 русумли, давлат белгиси 21 АВ 358 автомашинаси.
Бошланғич баҳоси — 150120 сўм.

2002 йил 26, 29 ноябрь, 2 декабрь кунлари Учқудуқ шаҳар ҳокимлиги мажлислар залида соат 15-00да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига қуйидаги мулклар қўйилади:

- Учқудуқ тумани «Шимолий» савдо ишлаб чиқариш корхонасига қарашли мулклар:
Учқудуқ шаҳридан 0399176 сонли кўчма савдо дўкончаси.
Бошланғич баҳоси — 262 880 сўм.
Учқудуқ шаҳридан 042001306 сонли кўчма савдо дўкончаси.
Бошланғич баҳоси — 488 700 сўм.
Учқудуқ шаҳридан 042001303 сонли кўчма савдо дўкончаси.
Бошланғич баҳоси — 370 080 сўм.
Учқудуқ шаҳридан 042001307 сонли кўчма савдо дўкончаси.
Бошланғич баҳоси — 369 080 сўм.
Учқудуқ шаҳридан 042001305 сонли кўчма савдо дўкончаси.
Бошланғич баҳоси — 521 480 сўм.
Учқудуқ шаҳридан 0399177 сонли кўчма савдо дўкончаси.
Бошланғич баҳоси — 390 200 сўм.
Учқудуқ шаҳридан 00681132 сонли кўчма савдо дўкончаси.
Бошланғич баҳоси — 158 610 сўм.
Учқудуқ шаҳар Ўзбекистон кўчасида жойлашган, майдони 448,96 кв.м бўлган №6 сонли савдо дўкони.
Бошланғич баҳоси — 8777900 сўм.
Учқудуқ шаҳар 11-дахасида жойлашган, майдони 1025,37 кв.м бўлган №12 сонли «Маяк» савдо дўкони.
Бошланғич баҳоси — 40787500 сўм.
Учқудуқ шаҳар Ўзбекистон кўчасида жойлашган, майдони 621,24

- кв.м. бўлган №7 сонли савдо дўкони.
Бошланғич баҳоси — 34692200 сўм.
Учқудуқ шаҳрида жойлашган, майдони 448,96 кв.м бўлган №15 сонли «Нон» савдо дўкони.
Бошланғич баҳоси — 8671200 сўм.
Учқудуқ шаҳар Шон-шараф кўчасида жойлашган «Нон шараф» савдо дўкони.
Бошланғич баҳоси — 372400 сўм.
Учқудуқ шаҳрида жойлашган 1 сонли савдо дўкони.
Бошланғич баҳоси — 1963000 сўм.

Матндаги «и.ч.» ҳарфлари «ишлаб чиқарилган» сўзлари маъносини билдиради.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи микдорига гаров пули тўлаши шарт. Харидорлардан аризаларни қабул қилиш кўчмас мулклар ва автотранспорт воситалари бўйича савдо бошланғичдан 1 соат олдин, ер майдонлари бўйича 3 кун олдин тўхтатилади.

Ушбу объектларга қизиқиши бор хорижлик сармоядорлар, ишбилармон юртдошларимиздан Республика Кўчмас мулк биржасининг Навоий вилояти филиалига мурожаат қилишларини сўраймиз.

Кўшимча маълумотлар учун манзил:

Навоий шаҳри, П.Очилов кўчаси, 24-уй.
Тел: 8(436) 224-15-61, 224-64-31.

САЙЁРАМИЗ САДОСИ

КОНГРЕСС МАЪҚУЛЛАДИ

Ўтган ҳафта охирида АКШ сиёсатида яна бир муҳим воқеа ўз аксини топди. Президент Жорж Буш Конгресснинг ҳар иккала палатаси томонидан маъқулланган резолюцияга имзо чекди. Унга биноан АКШ БМТ розилигисиз Ироққа ҳарбий зарба бериши мумкин. Бироқ, ҳарбий ҳаракатлар бошлангандан сўнг президент конгрессменларни 48 соат давомида хабардор қилиши лозим. Нью-Йоркда эса Ироқ муаммоси бўйича БМТ Хавфсизлик Кенгашида баҳслар бошланди.

Унда Хавфсизлик Кенгашининг 5 та доимий, 10 та муваққат аъзолари қатнашди. БЎЛАЖАК САММИТ ОЛДИДАН

Яқинда Оврўпо Иттифоқига аъзо давлатларнинг навбатдаги саммити бўлади. Унда айни пайтдаги долзарб масалалар муҳокама этилиши кутилмоқда. Мазкур муаммолар устида яна бир бор фикр алмашиб олиш мақсадида Парижда Франция президенти Жан Жак Ширак билан Олмония канцлери Герхард Шрёдер учрашди. Мулоқот чоғида қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришга

Оврўпо Иттифоқининг кўшажак ҳиссаси ҳамда давлатлараро бўладиган молиявий муносабатларга алоҳида эътибор берилди. МУВАҚҚАТ ҒАЛАБА

Оммавий ахборот воситаларида Сербияда бўлиб ўтадиган президентлик сайловлари тўғрисида турли фикрлар билдирилган, хусусан, Югославиянинг амалдаги президенти Воислав Костунининг ғалаба қилажаклиги айтилган эди. Тахминлар тўғри чикди. Унинг учун иккинчи босқичда сайловчиларнинг 67 фоизи овоз бердилар. Бош вазир ўринбосари М.Лабуш ҳамда радикал партия номзоди В.Шешель кейинги ўринларни эгаллашди. Лекин, Сербия президенти сайланди, деб эълон қилинмади. Гап шундаки, мазкур мамлакатда республиканинг сайлов тўғрисидаги қонунига биноан овоз беришда аҳолининг камида 50 фоизи қатнашмоғи шарт. Аслида ундай бўлиб чиқмади. Сайловчилар сони ушбу даражага етмади. Шунинг учун сайловлар қайтадан ўтказилди дегилди. Бу тадбир декабр ойига тайинланиши мумкин.

ИШЧИЛАР САЛОМАТЛИГИНИ КЎЗЛАБ

Токиода фаолият кўрсатаётган

«Триумф» компанияси ғаройиб янгликни жорий қилди. Бир неча кун муқаддам компания маъмурияти чекишни ташлаган ходим бир ойда маошига кўшимча 300 доллар олажаклигини эълон қилди. Бунинг учун ходим ёзма равишда мажбурийат тўлдиради. Чекмаслик нафақат ишхонада, балки, уйда ҳам амал қилади. Бундай мажбурийатга биринчи кунлик 52 ходим имзо чекди.

ХАВФИ ЭРМАК ИШҚИБОЗИ

Догистонлик Ҳазбулат Хайбуллаев ёшдигандон энг хавфли касблардан бири бўлган илон тутувчилик «дарди»га мубтало бўлган. Бирон-бир кун йўқки, у тоғу-тошларга жунама-син, турли хил ваҳимали илонлар билан юзма-юз келмасин. Гурзи, кўлвор, бўғма сингари захарли илонлар Ҳазбулатнинг халтасидан сўнг тиббиёт масканларига топширилади, лабораторияларда уларнинг захари олинди, дори-дармонлар тайёрланади. «Менга акам ёрдам беради. Икковимиз савоб иш қилаймиз, деб ўйлайман. Чунки, оғир дардларга йўлиққан халтасизларга керак дорилар учун зарур воситалар баяини ана шу илонлардан олинади» дейди доврак илон тутувчи.

БАЛЛИ, ГУЛАВСАР!



РУСТАМ ҚОСИМЖОНОВ ИККИНЧИ ЎРИНДА

Хиндистоннинг Хайдаробод шаҳрида шохмот бўйича ўтказилган жаҳон кубоги мусобақасида ўзбек йигити - шохмот устаси Рустам Қосимжонов муваффақиятли иштирок этди.

билан куч синашди. Финал беллашувида ўзбекистонлик шохмот устасидан бироз омад юз ўғирди ва

даги иккинчи ўрин жуда юқори натижа ҳисобланади.

Шохмот

Ярим финалда ҳамюртимиз Словения вакили Александр Белявскийни 1,5:0,5 ҳисобида мағлуб этиб, биринчи бўлиб финалга йўлланма олганди. Асосий учрашувда у хиндистонлик собик жаҳон чемпиони Вишванатан Ананд билан

32 ёшли тажрибали Вишванатан Ананд 0,5:1,5 ҳисобида устун келди. Қизиғи шундаки, саралаш гуруҳида вакилимиз биринчи ўринни эгаллаб, В.Анандни ҳам ортда қолдирганди. Нима бўлганда ҳам 23 ёшли шохмотчи учун жаҳон кубоги-

Олдинда энг йирик мусобақалардан бири - жаҳон шохмот олимпиадаси турибди. Жорий йилнинг 25 октябрдан 10 ноябрга қадар Словениянинг Блед шаҳрида бўладиган ушбу турнирда ҳам ўзбекистонлик шохмот усталари қатнашиб, юқори натижаларга эришишдан умид қиламиз.

Зоҳир ТОШХҲАЕВ, ЎЗА муҳбири.

Элликқалъа тумани маркази — Бўстон шаҳрида аънавий республика «Ҳамшира-2002» кўриқтанлови бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон республикаси, Тошкент шаҳар ва барча вилоятлардан ҳамширалар иштирок этди.

Танлов сўнггида ғолиблар аниқланиб, қимматбаҳо совғалар тақдим этилди. Биринчи ўрин қорақалпоғистонлик (Элликқалъа тумани) ҳамшира Гулавсар Қурбоновага насиб этди, у «Тико» автомашинасига сазовор бўлди. Иккинчи ўринни ҳамшира Нилуфар Рустамова (Тошкент шаҳри), учинчи ўринни эса ҳамшира (Тошкент вилояти) Шоҳида Мирзахмедова эгаллади.

Суратларда: биринчи ўрин соҳибаси Гулавсар Қурбонова; қуриқтанловдан лавҳа.

Р.ЖУМАНИЁЗОВ, О.МУРОТОВ (ЎЗА) олган суратлар.

Бор бўл, оқибат!

ИБОДИЕВ ВА ФЕЙГИН ФАРЗАНДЛАРИ ёки «Меҳрибонлик уйи»нинг 40 минг нафардан зиёд болалари

Меҳр-муруват, хайр-саховат каби боқий қадриятларимизнинг илдизи чуқур ва теран. Олис ва яқин тарихимиз ҳам бунга тасдиқлади. Масалан, ўзбек адабиётининг олтин асри бўлмиш XV асри, буюк бобокалонимиз ҳазрат Мир Алишер Навоий замоналарини олайлик. Ул зоти боборакот улкан маънавий-маърифий фаолияти билан бир қаторда хайр-саховат ишларига ҳам алоҳида эътибор берган. Чунончи, Хиротти азиямда етим-есирлар учун «Холисия» деб аталмиш сағирлар уйи қурилишига раҳнамолик қилган. Мазкур муруват гўшаси давлат томонидан ҳамда саховатпеша инсонлар ёрдамида моддий таъминотда бўлган.

валлуд топган Лев Фейгиннинг ҳаёт йўли ҳам Кўкон шаҳридаги «Меҳрибонлик уйи» билан chambarchас боғлиқ. Асли педагог бўлган Фейгин 1915 йилда Кўконга келди ва бир умр ушбу шаҳарга боғлиқ бўлди.

Дарвоқе, Усмон Носир, Абдулла Қажор, Иброҳим Назир, Сулаймон Юдаков, Мутал Бурхонов, Қурбон Назаров каби ўнлаб атоқли зиёлиларимиз тарбияланиб, мустақил ҳаётга йўлланма олган муқаддас маскани биласизми? Бу республикамиздаги кўхна таълим-тарбия даргоҳларидан бири, Кўкондаги Абдулвахоб Ибодиев номидаги «12-меҳрибонлик уйи»дир. Унга ўз даврининг етуқ маърифатпарварлари бўлган Абдулвахоб Ибодиев ва Лев Фейгинлар асос солишган.

Биринчи жаҳон уруши даври эмасми, оч, юпун, етим болалар кўп. Уларни боқиб, ўқитиб, тарбиялаш керак. Лев Фейгин 100 ўринли 3-болалар уйини ташкил этди. Бу ерда турли миллат болалари таълим-тарбия оладилар, муқовасозлик, дурадгорлик, қосибчилик, тикувчилик, тўқувчилик устаноналарида меҳнат қилиб, малакаларини оширадилар.

Хўқанди латифнинг Янги Чорсу мавзесигада Эски Аравабозор маҳалласида хунарманд-қосиб оиласида дунёга келган Абдулвахоб отадан эрта етим қолди. Онаси кўмағида жадид мактабини таъмомлаб, 1901 йил ўзи ҳам янги усул мактабини ташкил этди.

Орадан йиллар ўтди. Ибодиев ва Фейгинлар ташкил этган болалар уйларида 40 минг нафардан зиёд йигит-қиз тарбияланди, ҳаётга йўлланма олди. Уларнинг аксарияти ҳаётда ўзларининг муносиб ўқирларини эгаллаб, таниқли кишилар бўлиб етишдилар.

1919 йилда ушбу даргоҳ биринчи ўзбек намуна мактабига айлантирилган, мактаб мудириликка тайинланган Абдулвахоб Ибодиев болалар учун 100 ўринли интернат очди. Бу ерда ўнга яқин миллат болалари бир оила фарзандларидек тарбияланиб, билим асосларини мустақам эгаллаш билан бирга дурадгорлик, тикувчилик каби касб-хунарларни ҳам пухта эгалладилар...

Кейинчалик А.Ибодиев ва Л.Фейгинлар асос солган болалар уйлари бирлаштирилиб, «12-меҳрибонлик уйи»га айлантирилди. Ҳозирда боқувчисидан айрилган 150 нафар бола тарбияланаётган мазкур даргоҳга тажрибали мураббий Раҳбархон Мирзаева бошчилик қилмоқда. Аънамага кўра тарбияланувчилар ўқиб билан бир қаторда турли касб-хунарларни ҳам ўрганаётган. Ёзи дам олиш мавсумида эса «Нафосат» оромгоҳи улар хизматида.

Олис Белоруснинг Сено қишлоғида та-

Яқинда мазкур «Меҳрибонлик уйи»нинг собиқ тарбияланувчилари учрашдилар. Учрашуга нафақат Ўзбекистонда, балки Ҳамдўстлик мамлакатлари-узоқ хоржида яшаётган Ибодиев ва Фейгин болалари таширф буюрдилар. Дийдорлашув хотиралари бунгунги фараҳбахш кунлар шукронаси билан уйғунлашиб кетди. Шу кунга «Меҳрибонлик уйи»да тарбия масканининг 80 йиллик тарихий йўлини ҳикоя қилувчи музей ва хотира бурчаги очилди.

Абдулхай ЮНУСОВ.

Турфа олам

СПИРТ БИЛАН УЧУВЧИ САМОЛЁТ

Бразилиялик олимлар самолёт ёнилғиси сифатида спиртдан фойдаланиш мумкинлигини айтмоқда.

Жаҳон бозорида нефт маҳсулотлари қимматлашиб бразилиялик авиамуҳандисларни муқобил энергия манбаини яратишга ундади. 1 литр спиртнинг нархи шунча кerosин баҳосидан уч ярим баробар арзонлигини ҳисоблаб чиққан олимлар янги авиаторлар яратишга киришди. Уриниш бесамак кетмади: ёнилғи сифатида этанол «истеъмол қилувчи» самолёт яратилди.

Кашфиётни «Эмбраэр» концернига қарашли авиакорхона тақдим этди. «ЭМБ-202 Ипанема» деб номланган бир двигателли янги самолёт китишлоқ ҳўжалиги юмушларини бажаришга мўлжалланган.

Гарчи яратилган двигател одатдагидан 18 фоиз кўп ёнилғи ишлатса-да, спирт билан кerosин нархидаги фарк маблағни яхшигина тегашга имкон беради, дея таъкидламоқда ихтирочилар. Ҳомий ташкилотнинг фикрича, бу турдаги самолётга талаб катта бўлиши аниқ.

Шуни ҳам айтиб ўтиш кераки, двигателли спирт ёрдамида ишлайдиган дастлабки самолётлар XX асрнинг 80-йилларида пайдо бўлганди. Аммо бу турдаги самолёт орадан 20 йил ўтгандан кейингина омма эътиборига ҳавола қилинапти.

(ЎЗА).

ЎЗБЕК ТИЛИ САБОҚЛАРИ

Ўзбекистонда давлат тили тўғрисидаги қонун қабул қилингандан буюн ўзбек тилига бағишланган кўпгина китоблар ўзбек тилига берилишининг сиёсий, ижтимоий ва маънавий аҳамияти ҳақида ҳикоя қилувчи наشرлар ҳам бор.

Бу йилги тил байрами муносабати билан ҳам қатор ўқув адабиётлар чоп этилди. «Ўзбек тили сабоқлари» деб номланган ўқув қўлланма ҳам толиби илмларга яхши совға бўлди.

Истеъдодли тилшунос олима Гулнора Мансурова томонидан олиб борилган илмий изланиш

маҳсули янгилик юзага келган бу янги ўқув қўлланмада ўзбек тили грамматикасининг узиға хос хусусиятлари оммабоғ услада ёритиб берилди. Дарс машғулотларини ўтишда фойдаланиладиган тест саволлари ҳам билимини ўзгартиришга ёрдам беради.

Талабалар академик-лицей, касб-хунар коллежи ҳамда мактабларнинг юқори синф ўқувчиларига мўлжалланган мазкур китобни Гафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат наشريети кўп нусхада босиб чиқарди.

А.АЛИЕВ.

Шаҳрисабзнинг ЮНЕСКО томонидан эътироф этилиб, ёши 2700 йил деб тан олинishi бежиз эмас. «Авесто»да кайд қилинган Гава Сўгда-«Сўгда макони» аини шу жойга тўғри келади. Сўгдаги Навтақа вилоятининг мазмурий маркази ҳисобланган Узункир қалъаси (мл.авв.VII-VI асрлар) кўхна Кешнинг ўрни бўлган.

Шаҳарнинг 2700 йиллик тарихига назар ташлар эканмиз, бу заминнинг не-не аллома-ю даҳоларга бешик бўлганга, не-не тарихий воқеаларни бошдан кечирганга гувоҳ бўламыз. Милоддан аввал 330 йилги македониялик Искандар қадимги форс давлатининг аҳмонийлар сулоласининг сўнгги шоҳи Дорос III қўшинларини тор-мор келтирди. У Хиндистонга юришдан олдин Амударёнинг нариги томонида яшовчи элатларни бўйсундирмоқчи бўлди. Искандар ўз устози, юнон файласуфи Арастудан: «Окс (Амударё) дарёсидан икки нафар шоҳ — Кир II ва Дорос I кечиб ўтган. Иккаласи ҳам мағлубиятга учради» деган гапни эшитгани учун бу юришга пухта тайёргарлик кўрди. Тарихий манбаларда Искандар Зулқарнайнга қарши бутун Урта Осиё халқлари оёққа турганлиги ҳикоя қилинади. Аиниқса, бактрияликлар, сўғдиликлар халқ қасоскорлари Спитамен, Окслард раҳбарлигида қаҳрамонлик мўъжизаларини кўрсатганлар. Қалъа ва шаҳарларни мудофаа қилишда ўқ-ёй ва палахмондан

фойдаланганлар. Тош ир-фитганлар, қайнаб турган сув сочганлар. Бундай буюмлар қадув ишлари пайтида милоддан аввалги VII-IV асрлар шаҳарлари Кирилтепа, Афросиёб ва Узункир ёдгорликларидан топилган.

Урта Осиёнинг қулай ва гўзал табиий иқлим шароити ва беҳисоб бойликлари тарихан саҳроий элатлар диққат-эътиборини ўзиға тортган Араблар Урта Осиёни босиб олиш учун ўн йил жанг қилди. Аммо халқнинг бунёдкорлик қудрати яна янги мўъжизалар яратарган. Ягона марказлашган қудратли мамлакатлар билан ҳаёт кечириб халқ оммасининг қийфасида яққол сезиларди. Турли ижтимоий гуруҳларга мансуб аҳоли истагини идроқли ва кучли иродага эга шахслар халқ олар эди.

Ана шундай ҳислатларга эга шахс сифатида Кеш фарзанди Амир Темурибн Тарағай Баҳодир тарих майдонига чиқди. Амир Темурибн 25 ёшида кичик, лекин бой вилоят — Кеш ҳокими бўлишга муяссар бўлди.

1370 йилда Мовароуннахр ҳукмдори бўлган Амир Темурибн олдида — мўғуллар зулмига барҳам бериш, феодал тарқоқликни йўқотиш, алоҳида мулкларни мустаҳкамлаш, уларни марказлашган кучли давлат остида бирлаш-

тиришдек муҳим вазифалар турар эди. Мамлакат ободончилиги ва халқ фаровонлигига жиддий эътибор берган Амир Темурибн улкан бунёдкорлик ишларини ҳам амалга оширди. Амир Темурибн Табризда масжид, Шерозда сарой, Бағдодда мадраса қурди. Туркистонда Аҳмад Яссавий қабри устига мақбара тиклабди. Катта қурилишлар Кеш ва Самарқандда ҳам амалга оширилди. Ўзининг она-юрти Кешда отаси қабри устига мақбара, ўғли Жаҳонгирга мақбара билан бирга масжид қурди. Темурибн ҳукмронлигининг бошланғич даврида Кеш шаҳрини пойтахтга айлантириш ниятида бўлган. Шунинг учун уни ободонлаштиришга катта аҳамият берди ва дунёда машҳур Оксаройни қурди. Хоразмлик меъморларнинг маҳорати билан қурган бу муҳташам саройнинг пештоқи, тоқу-равоқлари ва деворларнинг зангори ва олтин рангдаги арабий нақшли, гулдор ўймакор қилиб безатилган.

Амир Темурибн муҳим тарихий хизматларидан бири шуки, у ўз она юрти — Мовароуннахрни тор, биқик ҳолатдан кенг дорага олиб чиқиб, уни бошқа географик кенгликлар

билан яқиндан боғлаб, улар ўртасида ҳар тарафлама иқтисодий, тижорат ва бошқа алоқаларни ўзаро манфаатли асосларда кучайтиришга эришди. Турли мамлакатларни боғловчи савдо қарвонлари йўлларининг бехатарлиги, осойишталагини таъминлаш, аиниқса, Буюк Ипақ йўли шўхратини тиклаш борасида қилинган саъй-ҳаракатлар бу борада муҳим аҳамият касб этди. Натижада Шарқу-Фарб, Жанубу-Шимол ўртасидаги элчилик, дипломатик ва савдо-тижорат муносабатлари янада кучайди, бу эса Темурибн давлатининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий юксалишида ҳал қилувчи рол ўйнади.

Ватан мустақиллиги, халқ фаровонлиги, юрт равнақи йўлида буюк хизматлар қилган Амир Темурибн вояга етказган гўша бугун ўзининг 2700 йиллик тўйини кенг нишонлаш арафасида турибди.

Бу санатнинг жаҳон илмий жамоатчилиги томонидан эътироф этилиши, тантаналарнинг ЮНЕСКО томонидан ташкил қилиниши тарихимизга буюк эҳтиромдир.

Гуландом РАҲИМБЕРГАНОВА, Тошкент Давлат юридик институтини ўқитувчиси.

ЯНА ТОШКЕНТДА КЎРИШГУНЧА, ХАЙР!

14-20 октябрь кунлари пойтахтимизда энг кўркам спорт масканларидан бири - Тошкент теннис маркази кортларида теннис бўйича Осиё чемпионати бўлиб ўтди.

Бир ҳафта давом этган мусобақада китамизнинг ўн тўрт мамлакатидан келган теннисчилар эркаклар, аёллар ва аралаш жуфтликлар ўртасида Осиё чемпионлиги учун курашди. Беллашувлар кизгин ва муросасиз кечди.

Беллашувларда индонезиялик теннисчилар ўзини кўрсатди. Финалда Индонезия вакиллари - С.Суванди ва Л.Андрияни жуфтлик ҳамюртлари бўлган П.Хандоё ҳамда В.Савондариға қарши ўйнади. Учрашувда П.Хандоё ва В.Савондари жуфтлиги ғалаба қозонди.

Яққалик баҳсларида япониялик спортчиларнинг маҳорати анча юқори экани намён бўлди. Эркаклар беллашувида турнирнинг учинчи рақамли ракеткачиси Гоичи Мотомура финалга чиқди. Япония вакили хиндистонлик Роҳан Болангани 6:4, 6:3 ҳисобида мағлуб этди.

Аёллар ўртасида бўлган финал учрашувда Япониянинг яна бир тажрибали теннисчиси - Акико Моригами ҳамюрти Ивана Исроиловаға қарши қорғта чиқди. Чемпионатда биринчи рақамда сараланган А.Моригами дастлабки сетда 6:2 ҳисобида ғалаба қозонди. Иккинчи сетда Ивана Исроилова ҳам анча ишончли ва тезор

ўйин намойиш эта бошлади. Лекин ҳамюрти оёғидан жароҳат олди. Шунинг таъсири бўлди, шекилли, қолган геймларда И.Исроилова япониялик рақибасига етарлиқ қаршилик кўрсата олмади. Унинг 6:2, 6:1 ҳисобида А.Моригами фойдасига ҳал бўлди. Осиёнинг навбатдаги чемпионати яна Тошкентда ўтказиладиган бўлди.

Финал учрашувларидан сўнг ғолиб ва совриндорларни тақдирлаш ва чемпионатнинг тантанали ёпилиш маросими бўлиб ўтди.

Теннис

Тошкентда ўтказилган Осиё чемпионати жуда юқори даражада ташкил этилди, - деди Осиё теннис федерацияси президенти Ичи Коватей. - Муҳлислар бир ҳафта давомида кизгин беллашувлар гувоҳига айланди. Ўзбекистонда ўтказилган Осиё чемпионатида катнашмиш мен учун шарофдир.

Мусобақанинг ёпилиш маросимида Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдраҳмонов, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси президенти С.Ўзиев иштирок этди. (ЎЗА).

ТУРНИР ЖАДАВАЛИ

Table with 7 columns: Rank, Team, W, L, D, M, T-N, O. Lists tennis tournament results for various teams like 'Пахтакор', 'Нефтчи', etc.

Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари қасаба уюшмаси Марказий қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа туман кенгашининг раиси Абжон ШЕРИЕВ бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этди.

ISHONCH

Муассис: Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Тахрир хайъати:

Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:

Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширди - 22.35

Манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр қўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерда терилди ва сақдаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Сотувда эркин нарҳда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Босмаҳонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.